



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 213 (12.274)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг ҳалқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжихатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, уларнинг руҳий ва маънавий оламиди янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақидаги» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони мувофиқ:

1. 2012 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 26 октябрь

жума кунига тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2012 йил 26 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қур

бон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, ҳалқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 22 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибиди таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавқатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Аҳмедов Асомиддин Акайиддинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлигининг ўринбосари

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Жаҳонгир Алихон Бўронович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифарларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

Юлдашев Аллалар Норимович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан

Амиров Радик Фаизович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

Ситиков Дмитрий Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлим бошлиги

Хван Ревмир Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

«Жасорат» медали билан

Бадалов Фозилжон Алимназарович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифарларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Байбутаев Камолиддин Исроилович — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлимбоши

Исламов Азизбек Рустамжонвич — Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Калимбетов Руслан Уразханович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифарларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Қушқов Жаҳонгир Қурвоналиевич — Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлимида ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлими командири

Самандаров Шароф Шавкатович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифарларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Саттаров Зафар Қозимжонвич — Андижон шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлимида ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиги

Султонов Муроджон Маманазарович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

Ҳожимирзаев Сайфиiddин Фазлитдинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлими катта тезкор вакили

Чульбаев Жамолиддин Исамиддинович (марҳум) — Жиззах вилояти Янгибод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Бурлиев Фурқат Юнусович — Самарқанд вилояти Жомбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Джурраев Акмалжон Хомидович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиги

Игамбердиев Мухаммад Шарипович — Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Қўриқлаш» бўлими бўлимбоши

Исмаилов Раҳман Нematович — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси «Қарши» темир йўл бека-тидаги тармоқ ички ишлар бўлими бошлиги

Қазимбаев Орифжон Исмаилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» республика бирлашмаси бўлим бошлиги

Парпиев Дилшод Фахриддинович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлигининг ўринбосари

Ражабов Ваҳоб Шарифович — Бухоро вилояти Гиждувон тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

Расулов Абдухамид Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Рустамов Улугбек Қобилович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Умирзоқов Зоҳид Соликович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати ва жамоат тартибиди сақлаш бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

Уринов Шокир Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Эшов Намоз Саноккулович — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

«Шухрат» медали билан

Абдужаббаров Бобоназар Уролович — Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Вахидова Мавжуда Шукуровна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бўлими бошлиги

Давлатов Гафуржон Оллаберганович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиги

Очиллов Нодиржон Низомиддинович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили

Сайинова Барно Турғуновна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

Хайитов Улугбек Хазратиллоевич — Навоий вилояти Қизилтепа тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Холбаев Анвар Артикаевич — Сирдарё вилояти Бобевт тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 23 октябрь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуасида VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз иштини бошлади.

Мазкур нуфузли тадбир таҳриба алмашиш, музокара ва амалий ҳаракатлар майдонига айланганидан ташқари, саноатчиларни яна бир бор жамлаб, уларга истиқболли режаларини амалга оширишлари учун ўзига хос замин вазирасини ўтамоқда.

Анъанга айланган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бу йил олтинчи бор ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 28 февралдаги «2012 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилмоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидан кўзда тутилган мақсад – рақобатдош, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, экспорт қилиш учун келишув ва битимлар имзоланганга кўмаклашиш, хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, шунингдек, кичик бизнес ҳамда йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида машинасозлик, автомобил-созлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-кимё, фармацевтика, озиқ-овқат ва энгил саноат ҳамда бошқа кўплаб ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари вакиллари қатнашиши режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Саид Бадд бин Ҳамад ал-Бусайдий раҳбарлигидаги делегация аъзолари 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида учрашув ўтказди.

ЎМОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Учрашувда Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг октябрь ойида Ўмон Султонлигига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни

янада юқори поғонага олиб чиқди.

Музокарада ушбу ташриф чоғида эришилган келишувларнинг ижроси ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Анъанавий алоқалар, ҳамкорликни кенгайтиришга муштарак интилиш Ўзбекистон — Ўмон мулоқотини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI сағоси

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Адлия вазирлигида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган анжуман ўтказилди.

● Гурлан туманидаги «Гурлан-Бехруз» хусусий корхонаси раҳбари Алишер Божонов банкнинг 300 миллион сўмлик кредити эвазига бир йўла иккита лойиҳани амалга оширди. Хусусан, ажратилган маблағнинг тенг ярми туман марказида замонавий темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, қолган сармоя ҳисобига савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада 15 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Эътиборли жиҳати, туманда жорий йил бошидан буён тадбиркорлар томонидан 30 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан пойтахтимизда «Ораста қизлар» тўғарақлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотларининг вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Навоий шаҳрида «Янги авлод – 2012» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичлардан сараланган 500 нафардан зиёд ўғил-қиз ўз иқтидорини синондан ўтказди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган инвестиция ва халқаро лойиҳаларнинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда депутатлар, БМТ Тарққийёт дастури лойиҳаларини олиб бораётган ташкилотлар, Оролни қутқариш халқаро фонди ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Тинч океани соҳилида жойлашган Вануату давлатида 6,2 балли zilzila содир бўлди. «Франс пресс» ахборот агентлиги хабарига қўра, табиий офат маркази мамлакат пойтахти Порт-Вилдан 500 километр шимоли-ғарбда қайд этилган. Вайронагарчиликлар кузатилмаган, цунами хавфи ҳам йўқ. Вануату сейсмик фаол ҳудудда жойлашган давлат ҳисобланади. Шу боис бу ерда ҳар йили ўртача етти баллга тенг бир нечта ер силкиниси содир бўлиб туради.

● АҚШнинг йирик банкларидан бири «Morgan Stanley» ўтган чоракни бир миллиард АҚШ долларидан кўпроқ зарар билан яқунлади. Бу ҳақда молия муассасаси томонидан тарқатилган матбуот-хабарномасида маълум қилинган. Экспертларнинг фикрича, ушбу банк фаолиятида бундай пасайиш кезатилиши таажубланарли. Чунки у кейинги йилларда самарали ишлаётганди. Масалан, ўтган йилнинг учинчи чорагида «Morgan Stanley» 2,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган.

● Мексикалик археологлар мамлакатнинг Наярит штати ҳудудидан 12 та қадимий қабри топилди. Улар базальт (иш-шасимон тоғ жинси)дан тўрт бурчак қути шаклида ясалган бўлиб, мармар плиталар билан маҳкамланган. Бу ердан жуда кўп миқдорда суяклар, шунингдек, ҳар бир қабрдан суяк тўла сопол қўза ва учта ҳайкалча ҳам топилган. Улардан иккитаси деярли бир хил бўлиб, кекса аёл тасвирланган. Мутахассисларнинг фикрича, қабрлар таҳминан IX-XI асрларга тегишли. Аммо шу пайтгача Мексика ҳудудида бундай топилмага дуч келилмаган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ИТАЛИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Италиянинг Римини шаҳрида «TIG Incontri» халқаро сайёҳлик кўргазмаси давом этмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, унинг барча замонавий турларини ривожлантириш, сайёҳлик инфратузилмасини янада такомиллаштириш, соҳа учун маъмурият кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказиладиган халқаро сайёҳлик ярмаркаларининг фаол иштирокчисидир. «Ўзбектуризм»

миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга танитишда дунёнинг ўнлаб мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу нуқтани назардан «TIG Incontri» халқаро сайёҳлик кўргазмаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини янада кенгроқ намоёниш этиш учун яна бир қўлай имкониятдир. 1977 йилдан бунён ўтказиб келинаётган «TIG Incontri» халқаро сайёҳлик миқёсидаги нуфузли кўргазмалардан ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ўтган йилги кўргазмада юз мамлакатдан икки ярим мингга

яқин компания иштирок этган. Бу галли кўргазмада бир юз ўттиз мамлакатдан минглаб сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этаятир. Анжуманда спорт туризми, меҳмонхона ва ресторан сервиси, хизмат кўрсатиш, транспорт ва коммуникациялар, сайёҳлик операторлари, соғломлаштириш каби йўналишларга оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди. Кўргазмада Ўзбекистон делегацияси миллий стэнд билан иштирок этмоқда. У ўзининг бетакрорлиги билан барча иштирокчилар ва меҳмонлар эътиборини тортмоқда.



САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни қайд этиш кераки, ўтган йилги V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 1000 дан ортиқ корхоналар иштирок этди. Беш кун давом этган ярмарка стендлари республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилувчи 6500 дан ортиқ маҳсулот турлари намоёниш этилди, шунингдек улاردан 420 хилини 2011 йилда ўзлаштирилган янги маҳсулотлар ташкил қилди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозим, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси одатда икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич – биринчи ярим йилликда худудий ва тармоқ саноат ярмаркалари бўлиб ўтади. Ушбу ярмаркалар жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган, иккинчи босқич эса – Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидир.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва чет эллик ҳамкорларнинг саноат кооперациясига янги ҳамкорлар топиш, товарларини сотиш ва сотиб олишда ҳамкорлик, янги ишлаб чиқаришлар ташкил қилиш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, маҳаллий иштирокчилар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган чет эл корхоналари ва бир қатор давлатларнинг савдо-саноат палаталари делегациялари ҳам VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида қатнашишга ўз истакларини билдирган.

Халқаро саноат ярмаркасининг беш кунлик фаолияти давомида мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналарига, шунингдек кичик бизнес ва хусусий корхоналарга ўзларнинг саноатларини кенг доирадаги қатнашчилар эътиборига намоёниш этиш учун қўлай имкониятлар яратилади. Бундан ташқари ҳўжалик субъектлари ўзларнинг техник ва технологик имкониятларини янада кенгроқ намоёниш этиш мақсадида махсус тақдиротлар ўтказиш имконига ҳам эга бўладилар.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Мамлакатимизда оила муҳофазасининг қонунчилик асослари мустақиллик йилларида муктаблантирилади. Ёш оилаларни ҳар томонлама ҳимоя қилишни ва эркин ҳаёт кечирини учун шарт-шароитга эга бўлмоғи лозим.

МУСТАҲКАМ ОИЛА – МАҲАЛЛА ФАҲРИ

Оилани мустаҳкамлаш хусусида фикр юритилганда, миллий қонунчиликнинг оила муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар билан биргаликда жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти аҳамиятлидир. Ҳар бир оила айнама маҳаллада ташкил топганиниги инобатга оладиган бўлсак, оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва роли беқийсдир.

Ҳар қандай фуқаронинг қимлиги, қандай инсон эканлиги, қандай оиланинг фарзанди эканлиги, унинг орзу-истаклари, ҳаётидаги интилишлари юмуш-ташвишлари, феъл-атворию камчиликлари фақатгина у турғилиб-ўрган маҳалла-ю истиқомат қилаётган худудидидаги кишиларгагина аён. Шу сабаб, ФХДЭ бўлимида қоидада ташкил этилган ўқув-маърузотлари, таълим муассасалари битирувчилари учун «Ёш оила қурувчилар мактаб»лари фаолияти соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бормоқда.

Бошқариш органи сифатида ном қозонган маҳалла тизими фаолияти янада ривожлантириши, уларнинг ФХДЭ органлари билан ҳамкорлик фаолиятини кучайтириш оилавий ажрлишларнинг сезиларли даражасида қишлоқликнинг шариқат ва маънавий муҳитини янада яхшилаш ва шакллантириш мақсадида муҳим омил бўлади.

Маҳалла институти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг яқин алоқасини таъминлайди. Халқимиз азал-азалдан оилага катта эътиқод, ҳурмат ва эҳтиром билан қараган. Оиладаги тиқлиқ, тотувлик эса эр ва хотиннинг маънавий дунёқароши асосида қарор топади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ сўнги йилда бу ерда эскирган К-5 №2 блоки замонавий ҳаво тақсимлаш қурилмасига алмаштирилди ва бу электр пўлат эритиш ҳамда мартен цехларида пўлатни эритишда электр энергияси, ўтга чидамли материаллар, графитланган

Автомобиль, поезд, трамвай, велосипед, музлаткич, турли идишлар, компьютер ва стаканлар ишлаб чиқариш учун, аввало, металл керак бўлади. Ҳар қандай уй темир конструкциялардан ясалган синч ёрдамида қадр ростлайди. Шунинг учун металлни, ҳақли равишда, ҳаётимиз таянчи, металлургияни эса иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутадиган асосий саноат тармоғи, дейиш мумкин.

МАМЛАКАТИМИЗ МЕТАЛЛУРГЛАРИ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон металлургия саноати ўз мавқеини йилдан йилга мустаҳкамлаб бормоқда. Негаки, қудратли минерал-ҳомашё базаси ва тоғ-кон саноати корхоналарининг мавжудлиги туфайли мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида қора ва рангли металл ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон металлургия комбинати мамлакатимиз металлургия саноатининг энг илгорларидан ҳисобланади.

Металлни эритиш ҳақиқатан ҳам осон иш эмас. «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларида ҳар йили катта ҳажмдаги металл қайта ишланмоқда, бу борада кўп миқдорда энергия ва ёқилғи сарфланмоқда. Металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга комбинат жамоаси маҳсулот тайёрлаш ҳажминини кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш ва пировард натижада рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Комбинатда сифат менежменти тизими жорий этилганининг барқарор ривожланиши, ички ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминламоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар Миллий сертификатлаш тизими томонидан сертификатланган. Шу билан бирга, комбинатда «ISO 9001:2008» стандарти талабларига мувофиқ сифат менежменти ҳамда «OHSAS 18001:2007» стандарти бўйича касбий саломатлик ҳамда ҳавфсизлик тизимлари жорий этилган ва сертификатланган.

«Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамиятининг Муҳандислик маркази раҳбарининг ўринбосари, инвестициялар департаменти бошлиғи Нарин Умаровнинг айтишича, корхона томонидан жорий йилнинг тўхтис ойи давомида солиштирилма нарҳларда қиймати 614,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ушбу суръатлари солиштирилма нарҳларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида корхона томонидан 575,4 минг тонна пўлат ва 556,1 минг тонна тайёр прокат, қиймати 26,9 миллиард сўмлик ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди.

«Ўзметкомбинат» жорий йил бошидан бунён ўнлаб янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Масалан, 2-навли прокат цехида темирбетон конструкцияларни арматуралаштириш учун бир қанча турдаги пўлат, иссиқ ёйилган тенг томонли бурчаклар, пўлат симлар ишлаб чиқариш цехида сиқиниш ва чўзиш пружиналари учун мўлжалланган симлар, рангли металллар ишлаб чиқариш цехида янги турдаги мис ва жез фольгалар, радиатор ленталари, электр таъмирлаш цехида 200 кВтга қувватга эга электр симлари учун кўп функцияли энергия теховчи қурилмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Умуман, Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қиймати 116 миллиард 203 миллион сўмдан ортиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса прогнозга нисбатан 121,7 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон металлургия комбинатида бир қанча йирик ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги унга ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш имконини бермоқда. Электрда пўлат ишлаб чиқариш, мартен, прокат ишлаб чиқариш, металл парчалари ва рангли металлургия тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш цехлари шулар жумласидандир. Шунингдек, бу ерда замонавий энергия теховчи технологиялар ва ускуналарни херид қилиш ҳамда ўрнатиш орқали ишлаб чиқаришни реконструкция ҳамда модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари фаол давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ сўнги йилда бу ерда эскирган К-5 №2 блоки замонавий ҳаво тақсимлаш қурилмасига алмаштирилди ва бу электр пўлат эритиш ҳамда мартен цехларида пўлатни эритишда электр энергияси, ўтга чидамли материаллар, графитланган

Ўзбекистоннинг қадимий ва замонавий шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, турли буклет ва нашрлар сайёҳлик кўргазмаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган. «Ўзбектуризм» миллий компаниясида маълум қилишларича, мазкур халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимизнинг «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», «Afsana Travel», «Orient Voyage», «Megatour», «Asiatour» сингари компания ва фирмалари иштирок этмоқда. «TIG Incontri» Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги сўнги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишишга хизмат қилади. (ЎЗА)

ЎМОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси билан Ўмон Султонлиги ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқлари тўлашдан бош тортишни бартараф этиш, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатновига доир ҳуқуматларора битимлар ҳамда нефть-газ, қимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сарможа каби соҳаларга оид қатор ҳужжатлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири раҳибчилигидаги учрашувда сармоявий соҳадаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратилди ва бу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича ижобий тажриба тўплангани таъкидланди. Ўмон томони «Наврий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Анрен» махсус индустриал зонаси имкониятлари билан таништирилди. Маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда жадал тараққий этаётгани бизни фой кувонтиради, – деди Саид Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий. – Мазкур таширф муносабатларимизни янада ривожлантириш борасидаги имкониятларни кенгроқ ишга солиш масалаларини қўриб чиқиш учун фойдали бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам изчил раванқ топишига ишонамиз.

Ўмонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири раҳибчилигида ҳам музокара ўтказди. Ўзбекистон — Ўмон сиёсий маслаҳатлашувларининг иккинчи давраси бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Темирйўл тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳўжа қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди. Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуини зиёрат қилди. Ирода УМАРОВА, ЎЗА муҳбири

Анжуманлар МАЪНАВИЯТИМИЗ ЮКСАЛИШИ ЙЎЛИДА

Агар дунёда бирон-бир муқаддас, абадий туйғу бўлса, бу миллатнинг миллий ўзлигини англаш туйғусидир. Миллий ўзлигини англашнинг биринчи белгиси эса бу миллий тилни билиш демакдир. Тил нафақат алоқа воситаси, балки миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқ маънавий ҳаёти ривожининг кўзгуси ҳамдир.

Бу йил Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганга 23 йил тўлди. Бу қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Таълим соҳасида ҳам давлат тилининг мавқеини тиклашга йўналтирилган сайёҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги чет тилларни ўрганишга қизиқиш кучайган бир вақтда давлат тили — ўзбек тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Шу муносабат билан куни кеча Тошкент давлат юридик институтида «Тил ва маънавият» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Мавзунинг долзарблиғи конференция кун тартиби ҳамраб олган жиҳатларда яққол кўринади. Хусусан, тадбирдаги аксарият мавзулар «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни амалга ошириш йўлида қилинаётган ишлар, ундаги муаммолар, ечимлар, давлат тили ва қонунчилик масалалари, ахборот-коммуникация даврида ўзбек тилининг аҳамияти, комил инсонни тарбиялашда тил ва нутқ вазибалари каби масалаларга қаратилган.

Шунингдек тадбирда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллеж педагогларининг тил ўқитишдаги маҳорати билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш, тил таълимида инновация ва компьютер технологияларини татбиқ қилиш борасида фикр алмашилди.

Таълим муассасаларида тил ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш, усту-шоғирд муносабатларини талаб даражасида бўлишини таъминлаш, педагог ва талабаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида давлат тилига бўлган муносабат қаби масалалар йиғилишида атоқлаш ўрганилди.

Тадбирда Тошкент давлат юридик институтининг ректори, юридик фанлари доктори, профессор О. З. Мухаммаджонов, Ўзбекистон халқ шoirи Сиросиддин Саййид, Ўзбекистонда хизмат қўсатган артист Шухрат Каюмов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, педагогика фанлари доктори Гулнара Ибрагимовалар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Шунингдек, тадбирда Тошкент давлат педагогика университетининг маънавий таълим ва таълим методлари бўлими раҳбари доктори профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Айниқса, ТДЮИ қошидаги академик лицей талабаларининг бадий қиқиллари барчада илқ таассурот қолдирди.

Анжуман материаллари «Тил ва маънавият» тўпламида эълон қилинди. Тўпламга ТДЮИ профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрлари, талабалари, шунингдек, республиканинг бошқа олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолалари киритилган.

Д.РАСУЛМУҲАМЕДОВА, ТДЮИ «Ўзбек тили» кафедрасининг доценти

Меҳрибон МАМЕТОВА



Таълим муассасаларида

МУСИҚАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

Музыка — қалб торларини чертиб, инсон кўнглига кириб борадиган сەҳрли оҳангдир. Мана шундай оҳангни ўзида жо этиб, мусиқа ва санъатта ошуфта йинги-қизларни бағрида тарбиялайдиган таълим муассасалари талайгина. Улар орасида Олмазор туманидаги 25-сонли Муҳиддин Қори Ёқубов номи Болалар мусиқа ва санъат мактаби алоҳида ўрин эгаллайди.

— Мактабимиз 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, жорий йилда реконструкция қилинди. Бу ерда 170 дан ортиқ санъатга ва мусиқага ихлосманд фарзандларимиз мусиқа илми сирларидан сабоқ олади, — дейди мактаб директори Холида Холматова.

— Таълим масканида ўқувчилар учун эстрада хонандалиги, мусиқа назарияси, тасвирий санъат, хореография, театр санъати, эстрада ижрочилиги ва ёғоч ўймакорлиги каби бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларда 30 га яқин устоз ва мураббийлар фаолият олиб бордилар. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимли ва истеъдодли бўлиб камол топишларида Махмуджон Холиқов, Неля Давлетшина, Гулноза Са-

фаева ва Елена Мокина сингари мураббийларнинг хизматлари бекиёс.

Ўқувчилар турли йўналишлар бўйича эгаллаган истеъдодларини кўпгина кўрик-танлов ва фестивалларда намойиш этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлганлар. Бундан ташқари тасвирий санъат бўлими ўқувчилари шаҳар миқёсида ўтказилган кўриқозғашларда фахрли ўринларни эгалламоқдалар.

Албатта, бу каби таълим даргоҳлари фарзандларимизни қизиқтирилари ва озуларини рўзга қайиришлари учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Дилсўз ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси

Дарҳақиқат маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одат, аънаналар шакланган маскан ҳисобланган. Маҳалла идораси мустақиллик йилларида ноёб ижтимоий тузилма сифатида шаклланиб, «Маҳалла — халқ виждони» деган юксак таърифга эга бўлди.

Шу ўринда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, маҳаллалар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиб, бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Бош бошқармалар, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек Тошкент шаҳридаги 400 дан ортиқ маҳалла фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Танлов муносабати билан Тошкент шаҳрининг туманларида голиб деб топилган қатнашчиларнинг оилавий бизнес асосида фаолият юритаётган хунармандлар тайёрлаган маҳсулотлари, фотобомлари, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишларга доир қўрсаткичлари, маҳалла ҳаётини акс эттирувчи стендларни кўриб чикариш ташкил этилди.

Танловнинг туман саралаш босқичлари жорий йилнинг август ойида ўтказилди. Унда 476 та фуқаролар йиғинлари иштирок этди. «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Тошкент шаҳар босқичида туманлардан 1, 2, 3-ўринга сазовор бўлган 33 та фуқаролар йиғинлари 2 та шарт асосида беллашдилар, шулардан 11 таси саралаб олинди, 3-шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Қизгин тарзда ўтган танлов иштирокчиларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти ва кундалик ҳаётимизга оид саволларга берган жавоблари ҳамда фикр-мулоҳазалари ташриф буюрганлар эътиборини тортиди.

Танлов голибларининг фикр-мулоҳазаларига қизиқдик.

Республикамиз мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда бўлгани каби маҳалла тизимининг ҳам янги истиқболига йўл очилди. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш тизимининг мавқеи янада мустаҳкамланди.

МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ



— Ҳаяжонли дақиқаларга бой танловдан таассуротларим олам-олам, — дейди Ҳамза туманидаги «Беҳзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Миनावарходжаев. — Ушбу танловда фахрли ўринни олдики. Бундан кейинги қилиниши керак бўлган ишларимиз янада кўлайди. Зиммамиздаги масъулият янада ортиди. Бир сўз билан айтганда элимиздаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитжон Имомовга насиб этди.

— Ҳаяжонли дақиқаларга бой танловдан таассуротларим олам-олам, — дейди Ҳамза туманидаги «Беҳзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Миनावарходжаев. — Ушбу танловда фахрли ўринни олдики. Бундан кейинги қилиниши керак бўлган ишларимиз янада кўлайди. Зиммамиздаги масъулият янада ортиди. Бир сўз билан айтганда элимиздаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитжон Имомовга насиб этди.

Танлов голибларининг фикр-мулоҳазаларига қизиқдик.

— Мана бугунги танлов кўтаринки руҳда ўтказилди. Ташкилий жиҳатдан барчаси юқори даражада, — дейди танловнинг II ўрин голиби Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳалиқ Ваҳобов. — Бунинг учун мутасадди раҳбарларга Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинлари номидан миннатдорчилик билдираман. Уйлашимча танловда ҳеч ким ютқазгани йўқ, Ҳамма фуқаролар йиғинлари ўз туманларида голибликни кўлга киритган. Бундан бўйига ҳам Ватанимиз учун кўлимиздан келганни хизмат қилишга тайёремиз. Маҳалла бир қорхона эмас. Маҳалланинг раҳбари бўлмайдими. Ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади. Ҳамма муаммоларни ҳал билан биргалликда, бир ёқдан бош қариб ҳал қилинса, маҳалла фуқаролар йиғинига бўлган ҳурмат халқ орасида янада ошади.

— Ҳаяжонли дақиқаларга бой танловдан таассуротларим олам-олам, — дейди Ҳамза туманидаги «Беҳзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Миनावарходжаев. — Ушбу танловда фахрли ўринни олдики. Бундан кейинги қилиниши керак бўлган ишларимиз янада кўлайди. Зиммамиздаги масъулият янада ортиди. Бир сўз билан айтганда элимиздаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитжон Имомовга насиб этди.

Танловнинг I ўрини Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитжон Имомовга насиб этди.

Эл севган санъаткорларнинг чиқишлари, дилрабо куй-қўшиқлари танловга байрамона шуҳу бағишланди.

Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА
Миродбек Зиё олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБИ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и/ч. Ваз-21-02, д/р 11 В 872 DA. Бошланғич баҳоси — 1 675 470 сўм. 2. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжати асосан 1969 й. и/ч. Газ-21, д/р К 3894 ТШ. Бошланғич баҳоси — 856 802 сўм. 3. 16.01.2012 й. № 274-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и/ч. Ваз-2108, д/р 11 W 991 CA. Бошланғич баҳоси — 3 576 599 сўм. 4. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжати асосан 1985 й. и/ч. УАЗ-452, д/р 11 N 2357. Бошланғич баҳоси — 951 281 сўм. 5. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. и/ч. УАЗ-452, д/р 11 L 4829. Бошланғич баҳоси — 918 863 сўм. 6. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжати асосан 1979 й. и/ч. Ваз 2102, д/р 11 P 6347. Бошланғич баҳоси — 832 770 сўм. 7. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и/ч. ИЖ 21-25, д/р 11 I 2296. Бошланғич баҳоси — 865 719 сўм. 8. 15.02.2012 й. № 3914-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и/ч. FORD, д/р 11 W 9962. Бошланғич баҳоси — 5 842 133 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари Бекободсавдо МЧЖ омиборида сақланмоқда. 9. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. и/ч. ДТ-75, д/р А/Н. Бошланғич баҳоси — 9 942 070 сўм. Автотранспорт воситаси «Зафар қурилиш инвести» МЧЖ омиборида сақланмоқда. 10. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и/ч. ГАЗ-5201, д/р 11 С 6984. Бошланғич баҳоси — 823 734 сўм. Автотранспорт воситаси «Зафар АТС» х/к омиборида сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан: 11. № 7279/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. «Мерседесбенц», д/р 11 О 4482 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 290 000 сўм. 12. № 6677/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. «ГАЗ 24», д/р 11 М 9162 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 376 243 сўм. 13. № 6688/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1980 й. «УАЗ-452», д/р 11 О 0474 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 253 946 сўм. 14. № 6703/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1975 й. «УАЗ-469», д/р 11 Q 2417 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 323 542 сўм. 15. № 6704/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. «УАЗ-3151201», д/р 11 X 1022 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 226 996 сўм. 16. № 7056/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. «УАЗ-396201», д/р 30 С 8069 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 240 341 сўм. 17. № 7180/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. «УАЗ-3151201», д/р 11 W 7108 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 645 441 сўм. 18. № 7289/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. «УАЗ-451», д/р 11 R 0403 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 403 443 сўм. 19. № 7523/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. «Ваз 2102», д/р. 11 О 1082 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 477 867 сўм. Автотранспорт воситалари Тошкент вилояти, Зангиота туман, «Нурафшон Бизнес Савдо» ХСИЧ омиборхонасида сақланмоқда. 39. № 8926/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1992 й. «ИЖ-21251», д/р 11 N 0389 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 351 126 сўм. 40. № 8927/9-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. «УАЗ-452», д/р 30 V 9298 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 651 926 сўм. Автотранспорт воситалари Тошкент вилояти, Зангиота туман, «Бурҳон Савдо» МЧЖ омиборхонасида сақланмоқда. Миробод тумани СИБ томонидан 41. 09.07.2012 й. № 24509/6-сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и/ч. Ваз-2107, д/р 10 X 3994. Бошланғич баҳоси — 8 877 278 сўм. 42. 09.07.2012 й. № 24509/6-сонли ижро ҳужжати асосан 2004 й. и/ч. Нексия, д/р 01 М 015 CA. Бошланғич баҳоси — 21 458 547 сўм. Автотранспорт воситалари «Нулиматика» МЧЖда сақланмоқда. 43. 05.05.2011 й. № 1-825/11-сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. и/ч. Хондай Аванте, д/р 01 U 757 AA. Бошланғич баҳоси — 40 986 000 сўм. 44. 05.05.2011 й. № 1-825/11-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и/ч. Ласветти, д/р 30 T 7272. Бошланғич баҳоси — 30 537 000 сўм. Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган «Sharqli Melisa» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 9 ноябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан қўйиладиган автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 45. № 10707/6-сонли ижро ҳужжати асосан 2011 й. и/ч. Дамас, д/р 10 А 755 FA. Бошланғич баҳоси — 19 357 817 сўм. Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 26 ноябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 26 ноябрь кўни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 11 декабрь кўни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб таъиниши мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнаклири соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кўнидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилаётган казакат қилинганда асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалида қўйиладиган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р. 2020 8000 1048 8730 5002; МФО: 00425; ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй; Тел.: 266-80-76.

Тошкент молия институти «Фалсафа ва Ўзбекистонда Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири ва кўйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): «Чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Фалсафа ва Ўзбекистонда Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» доцент, катта ўқитувчи; «Банк ҳисоби ва аудити» катта ўқитувчи; «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи; «Жисмоний тарбия ва спорт» катта ўқитувчи; «Бизнес ва тадбиркорлик» катта ўқитувчи; «Статистика» катта ўқитувчи; «Молия» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ҳазначилик иши» доцент, катта ўқитувчи; «Молия бозори ва қимматли қозғалар» катта ўқитувчи; «Лойиҳаларни молиялаштириш» катта ўқитувчи; «Минтақавий иқтисодиёт» катта ўқитувчи; «Информацион-коммуникацион технологиялар» профессор, доцент, катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи; «Иқтисодиёт назарияси» доцент, катта ўқитувчи; «Касбий таълим» доцент, катта ўқитувчи; «Бюджет ҳисоби» катта ўқитувчи; «Молиявий таҳлил» доцент, катта ўқитувчи; «Олий ва амалий математика» катта ўқитувчи; «Аудит» доцент; «Молиявий менежмент» доцент, катта ўқитувчи лавозимларига **танлов эълон қилади**
Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
Тел. 234-83-99,
358-84-08.

Тошкент Транспорт касб-хунар коллежи ўз ошхонасини ижарага бериш учун танлов эълон қилади.
Аризалар эълон қабул қилинган кундан бошлаб бир ой давомда қабул қилинади.
Манзил: Чилонзор тумани, Д20-35а-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 216-2174; 216-38-54.

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАР САМАРАСИ

Сўнги йилларда Тошкент шаҳридаги халқ ҳўжалиги тармоқларида бирмунча ўсиш, иқтисодий ривожланиш юзасидан анча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида янгидан янги савдо-саноат тармоқлари, маъмурий-маданый, турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ички бозор шаклланиб, миллий бойлик кўпая борди. Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида моддий неъмат яратиш, халқимизнинг маданый турмуш даражаси ўсишига эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кундаги иқтисодий тармоқлари ва кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фаолиятларини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ошириш, экспорт-импорт борасида, бошқа соҳаларда бўлгани каби Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига ҳам улкан вазифалар белгилаб берилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг дастурида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларга қарашли ишлаб чиқариш, савдо-сотик, офис-биноларнинг ёнгинга қарши ҳолатини яхшилаш, ходимларнинг ёнгин хавфсизлиги йўналишида бўлган билимларини янада ошириш каби аниқ вазифалар белгиланган.

Авалламбор, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мутасадди раҳбар ҳамда ходимлари томонидан, уларга тегишли масканларнинг ёнгинга қарши ҳолатини намунали қилиб қўйишга эришиш лозим. Чунки, масканларнинг ёнгин хавфсизлиги қоида ва талабларига риоя қилиш қанчалик муҳимлигини, масканда ўрнатилган бирламчи ёнгин ўчириш асбоб-ускуналарини нима учун кераклигини ва уларни қандай ишлатилиши, ёнгин ёки фавуқолда ҳолат юзуга келганда махсус қутқарув режаларга асосан бинони тарқ этиш ва бошқа чора-тадбирлар қўллаш ҳақида билиши керак.

Бу борада олиб борилаётган тарғибот ишлари ўзи нимани билдиради? Бирор ғоя таълимот ва шу қабиларни ёйилишига, кишилар онига сингдиришга қаратилган тушунтириш ишлариридир. Ташвиқот эса — оммага сиёсий таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда амалга оширилаётган ишлар.

2011 йилнинг ўтган даври мобайнида Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган 5640 мартаба тадбиркорлик субъектларида амалий ёрдам тариқасида ўрганишлар ўтказилиб, ўтказилган ўрганишлар жараёнида тадбиркорларга қарашли масканларда бажарилиши лозим бўлган 24 минг 524 та камчиликлар аниқлиниб, маълумотномалар тақдим этилмоқда.

Шунингдек, жойлардан 654 мартаба ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита жойларида учрашувлар ўтказилиб, ҳар бир туман ёнгин хавфсизлиги бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ёнгин хавфсизлиги йўналишидаги қизиқтираётган ишлар ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида, ҳар ҳафтанинг пайшанба ва жума кўнаклири «Очиқ эшиклар кўнаклири» ташкил этилишига эришилди.

Бундан ташқари, НҚОФМ Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режага асосан, ходимларимиз жойларда Ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан ўтказилаётган режали текширувлар жараёнида жойлардаги тадбиркорлик субъектларининг масканларида аниқланган ёнгинга қарши камчиликларни амалий ёрдам кўрсатиш тариқасида бартараф этилишига эришиш билан бир қаторда, тадбиркорлар томонидан йўл қўйилган ёнгинга қарши камчиликлар учун маъмурий ёки интизомий чора қўриш йўли билан эмас, балки уларга аниқ бир мuddат берган ҳолда ишларни олиб борилиши йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим вазифалардан бири, бу тадбиркорлик субъектлари томонидан янги қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари жараёнида, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларидан маслаҳат олишга, чунки ёнгин хавфсизлиги таъминлаш борасида бир қанча қурилиш меъёрлари талаб қилинади. Ушбу тадбирларни қурилиш даврида амалга оширилган ўзларини мулки саналган бинолар ва улардаги жиҳозларни ёнгин балосидан, қолаверса ўзлари ва ўзгаларни ҳаётини асраб қолган бўлдилар.

Ушбу амалга оширилган ишлар беҳиж ўтмаётганлигини айтишимиз лозим. Чунки Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларимизда, озгина бўлсада ўзларига сабоқ олиб, ёнгинлар олиб келиши мумкин бўлган нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Лекин, минг афсуски, айрим кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан берилаётган тақлифларга панжа орасида қараганликлар натижасида, бир қатор ёнгинлар содир бўлмоқда, яъни рақамларга мурожаат қилаётган бўлсақ, ўтган 2011 йил давомида Тошкент шаҳри ҳудудида 422 мартаба ёнгинлар содир бўлган бўлса, булардан 50 дан ошиги айнан тадбиркорлик субъектлариға яъни қорхона ва ташкилотларда содир бўлиб, қурилган моддий зарар миқдори 8 миллион 200 миң сўмини ташкил қилмоқда.

Ж.АСКАРОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи,
подполковник

«Туркистон» саройида Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси маданияти кунларининг очилишига бағишланган маросимда мамлакатимизнинг вазирлиги ва идоралари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, хитойлик санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т.Кўзиёв ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар катори маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йилнинг июнь ойида Хитой Халқ Республикасида расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томонлама имкониятларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Маданият кунларининг очилишида хитойлик санъат намояндаларининг концерти бўлиб ўтди. Хитой халқининг мумтоз наволари, замонавий музыка ва ранг-баранг рақслар ижроси

Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси маданияти кунлари бошланди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам — бой тарих ва маданиятга эга мамлакатлар, — деди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Чжан Сяо. — Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ҳамкорлик алоқаларимиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётди. Бугунги кунда муносабатларимиз савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалар катори маданият, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, ушбу халқнинг турмуш тарзи акс этган рақслар намойиш этилаётди.

бўлган, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган мазкур анжуман нафақат маданий соҳадаги, балки давлатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида Хитой замонавий расмларининг тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Хитой маданияти, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, ушбу халқнинг турмуш тарзи акс этган рақслар намойиш этилаётди.

(ЎЗА)



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган суратлар

Яқунланган ҳафтада Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилди. Анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур халқаро турнирда дунёнинг 20 давлатидан келган 106 нафар шахмат усталари голиблик учун баҳс юритдилар. Улар орасида 36 нафар гроссмейстерлар ҳамда 22 нафар халқаро мастерларнинг ҳам дон сурганилиги баҳсларни янада мurosасиз ўтишини таъминлади. Тўққиз турдан иборат бўлган мусобақа яқунларига кўра 7,5 тадан очко жамғарган хитойлик Ю Янг Ии ва Ли Чао 1-2 ўринларни банд этишди.

ГРАНДЛАРГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Улар билан биргаликда ҳамюртларимиз ҳам совринли ўринлар учун ҳаракат қилишди. Аслида таъриҳий шахматчимиз сўнгги турга қадар голиблик учун асосий даъвогарлар сафида бораётган эдилар. Агарда охириги 11-турда мусобақа пешқадами хитойлик Ю Янг Ии билан кечадиган баҳса ҳамюртимиз голиб чиқса, халқаро турнирнинг бош мукофотида сазовор бўлар эди. Бироқ, бу икки гроссмейстер ўртасида кечган ўйинда томонлар дуранга имзо чекишди ва шу тариқа биринчи ўрин 11 имкониятдан 9 очко жамғарган хитойлик шахмат устасига насиб этди. Марат Жумаев эса ўтказилган 11 учрашуда 6,5 очко тўплади. Қизик томони, 2-5-ўринларни банд этган Алексей Александров, Коре Акшайран, Жон Пауль Гомеза ва Мартин Кравсвиллар ҳам юртдошимиз каби 8,5 очкодан жамғаришди.

Маълумот ўрнида шунини айтиб ўтиш керакки мазкур баҳслардан аввалги ҳолатга кўра ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Марат Жумаев Ҳиндистонда туртинчи бор ташкил этилган «Ченнаи Опен — 2012» халқаро турнирида муносиб иштирок этиб, кучли оллиликдан ўрин эгаллади. Бир йўла 7 нафар гроссмейстерлар 6,5 очко тўплаб, 3-9 ўринларни эгаллашди. Улар орасида ҳамюртимиз Марат Жумаев ҳам жой олган. Тажрибали шахматчимиз халқаро турнирнинг сўнгги икки турини янада кўтаринки руҳда ўтказиб, Полша ва грузиялик гроссмейстерлар М. Красенков ҳамда М. Гагунашвилини маглубиятга учратди. Мазкур халқаро турнирда иштирок этган яна бир ёш спортчимиз Авазбек Ишбаев 9 имкониятдан 4 очко жамғарди. Агарда турнирда дунёнинг кўпалат номдор гроссмейстерларини иштирок этганлигини инобатга олсак, ёш шахматчимиз томонидан кўрсатилган натижани ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Работнакул МУХТОРОВ

Спорт янгилликлари

САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 23-тур баҳслари пешқадам жамоаларга муҳим очокларни тақдир этди.

Жорий йилда чемпион бўлишга астойдил интилаётган «Пахтакор» жамоаси Қаршида «Насаф» командаси меҳмони бўлди.

Турнинг марказий беллашуви деб қаралаётган ушбу баҳсда қайси жамоа ғалаба қозонаса, чемпионлик сари яна дадил одим ташлаган бўларди. Айтиш жоизки, учрашув кескин курашларга бой, қизиқarli, аммо меҳмонларнинг устунлигида ўтди. Пахта-

корчиларнинг мезбонлар дарвозаси томон уюштирган ҳужумлари хавфли тус олди. Учрашунинг 16-дақиқасида пахтакорчилар томонидан амалга оширилган ҳужумни қайтараман деб Петрович ўз дарвозасини нишонга олиб, автогол муаллифи бўлди. 0:1.

Орадан саккиз дақиқа ўтгач меҳмонлар ярим ҳимоячиси Қозак Мурод Эҳуров дарвозасига иккинчи голни йўллади ва амалда «Пахтакор-

ПОЛВОНЛАРИМИЗ — ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Истиқлол шарофати туфайли миллий қадриятларимизни ўзда акс эттирган кураш куррани замин бўйлаб кенг қўлч ёзмақда.

Шу боис ҳам кураш бўйича халқаро турнирлар, хусусан, жаҳон чемпионати, Осие чемпионати турли давлатлар спортчилари иштирокида ташкиллаштирилганлиги анъанана айлиб улгурди.

Буюк Британияда 26, 27, 28 октябрь кунлари кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўсмир полвонлар ўртасида илк марта, ёшлар ўртасида еттинчи марта уюштирилган ушбу жа-

ҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли полвонлари голиблик учун кураш олиб боришди.

Жанубий корейлик, мўғулистонлик ва ўзбекистонлик полвонлар жаҳон чемпионатида асосий медалларга даъвогар деб эътироф этилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу нуфузли турнирда 13 та вазн тоифасида голиб бўлиш мақсадида гиламга чиқишди.

нинг 2:0 ҳисобида ажойиб ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшди.

Иккинчи бўлимда томонлар ҳисобни ўзгартиришга ҳарчанд уринмасин, 0:2 ҳисоби ўзгармай қолди.

Қаршидан ажойиб ғалаба билан кайтган «Пахтакор» 50 очко жамғариб турнир жадвалида яқка пешқадам бўлиб турибди.

Тошкентда Наманганнинг «Навбахор» жамоасини қабул қилган амалдаги чемпион «Бунёдкор» футболчилари 90 дақиқа давом этган баҳсда устунлик қилган бўлсаларда, меҳмонлар дарвозасини учрашунинг 90 дақиқасидан кейин ҳакам томондан қўшиб берилган қўшимча вақтдаги на аниқ нишонга олишди ва муҳим ғалабани қўлга киритишди. Камолдин Мурзоев гол муаллифи бўлди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Локомотив» — 1:1, «Динамо» — «Андижон» — 3:0, «Бухоро» — «Кизилқум» — 1:0, «Металлург» — «Шўртан» — 4:0, «Олмалик» — «Машъал» — 4:0.

Футбол мухлисларига маълумки, Осие чемпионлар лигаси турнири ярим финалига йўлланма олган «Бунёдкор» жамоаси бугун Тошкентда Жанубий Кореянинг «Улсан Хюндай» командаси билан куч синашди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ҚИЛАДА

Ушбу нуфузли турнирнинг финалига йўлланма олишга астойдил интилаётган Миржалол Қосимов шогирдлари япониялик рақибларини энгши мақсада ўқув-машғулот йиғинларига жиддий эътибор қаратишмоқда.

Осие Чемпионлар лигаси турнири ярим финалининг «Бунёдкор» — «Улсан Хюндай» (Япония) жамоалари ўртасидаги дастлабки учрашувни БААлик ФИФА рефериси Али Аб-Бадавий бош ҳакам сифатида бошқаради.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида

Ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этди!

I. Аукцион савдосига Яққасарой туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан, «Sheila Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Сукрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м бўлган 4 қаватли ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 768 769 727,22 сўм.
II. Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ва 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206 сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа (собик Х.Турсунқўлов) кўчаси, 12-А-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино такоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 215 716 500 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 15 ноябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Савдога қўйилган қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 13 ноябрь кунин соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган холда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон Ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИИН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-80.26. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этди!

Аукцион савдосига такоран Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. «Ваз-2109» русумли д/р 10W 768BA бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.10.2011й, №21134/21. Бошланғич баҳоси — 4 668 152 сўм. 2. «ГАЗ-2410» русумли д/р 11F 3897 бўлган 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.10.2010й, №12057/21. Бошланғич баҳоси — 645 210 сўм. 3. «BMW-316» русумли д/р 11Z 5740 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №15694/21. Бошланғич баҳоси — 5 869 908 сўм. 4. «Москвич-2140» русумли д/р 30Q 3517 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.05.2010й, №7461/21. Бошланғич баҳоси — 553 607 сўм. 5. «Ваз-21083» русумли, д/р 20F 822AA бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.10.2011 йилда №20061/21. Бошланғич баҳоси — 5 800 973 сўм. 6. «Маз-3533А» русумли, д/р 30В 1963 бўлган, 1982 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011 йилда №10880/11. Бошланғич баҳоси — 17 842 875 сўм. 7. «АЛКАН-13» русумли, д/р 19А 722 бўлган, 1990 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009 йилда №6573/21. Бошланғич баҳоси — 1 063 174 сўм. 8. «АЗ-968» русумли, д/р 30L 7458 бўлган, 1986 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.12.2010 йилда №16024/21. Бошланғич баҳоси — 181 683 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 ноябрь кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 9 ноябрь кунин соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган холда «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

Одамлар бахтингни пайқаймадилару бахтсизлигингни элга дoston қиладилар.

* * *

Бир оғиз совуқ сўз етмиш икки томирингни музлатишга қодир.

* * *

Сўздан текин нарса йўқ — биз эса шуни ҳам бир-биримиздан қизганимиз.

* * *

Одамлар гапининг кетидан қувиб яшайдилар.

* * *

Нишонсиз сўз ҳавода айланиб юради.

* * *

Синаш учун ўзингни балонинг оғзига рўпара қилишинг ақдан эмас.

* * *

Баҳс-мунозарада ҳар ким ўзиникини маъқуллайди.

* * *

Молу давлат кишининг тилини узун қилади.

* * *

Яшагининг сари ҳаёт тотли туюлаверади.

* * *

Нафси ёмоннинг ризқи эрта қийилади.

* * *

Эрта қувонган кўпинча хафа бўлиб қолади.

* * *

Вақт индамай ишини битираверади.

* * *

Ақл ва сабр — энг яхши дўстлар ҳисобланади.

* * *

Инсон ҳаёт ва ўлим чегарасида яшаб ўтади.

* * *

Ўзингни алдамай бошқани алдолмайсан.

* * *

Эртадан умидинг бўлмаса, эртага қизиқишинг ҳам бўлмайди.

* * *

Дард ҳам мўрт танани емиради.

* * *

Ўз бошига тушмагунча инсоннинг кўзи очилмайди.

* * *

Кутилмаган зарбалар хавфли бўлади.

* * *

Ҳаётнинг ҳам ўз мусиқаси бор — уни тинглай билиш керак.

* * *

Қаноати йўқнинг фароғати йўқ.

* * *

Ҳаммага бир хилда яхши бўлиб бўлмайди.

* * *

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 октябрь кунин ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, кечки томон бир оз ёғин ёғиши мумкин. Шарқдан фарба томон секундидаги 5-10 метр тезликда шомол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража илик, кундузи — 19-21 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра 25 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратмади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририя компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г - 1041

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
4858 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ